

**«ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЖАҲОНДАГИ АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН 28 РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТ САФИГА КИРИТИШ БИЛАН БИРГА, БУТУН ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ ЮКСАК ПОҒОНАГА КЎТАРДИ.**

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

20 июль, шанба, 1996 йил  
Сотувада эркин нархда. № 146 (1399)

КЕЧА АНДИЖОН  
ВИЛОЯТИНИНГ АСАКА ШАҲРИ  
ҲАМДА ПОЙТАХТИМИЗ  
ТОШКЕНТДА ЕНГИЛ  
АВТОМОБИЛЛАР ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШГА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
«ЎЗДЭУАВТО» ЎЗБЕКИСТОН —  
ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҚЎШМА  
КОРХОНАСИНИНГ ХАЛҚАРО  
ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ  
БЎЛИБ ЎТДИ.

# «ЎЗДЭУАВТО» — ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН АФСОНА

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг натижаси ўларок, Андижон вилоятида жуда қисқа вақтда улкан замонавий автомобиль заводи — «ЎЗДЭУАВТО» Ўзбекистон—Жанубий Корея қўшма корхонаси куриб битказилди.



**Шу муносабат билан Асакада мазкур қўшма корхонанинг расман очилишига бағишланган халқро тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг тегишли вазирликлари, уюшмалари, концернлари ва корхоналари раҳбарлари, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, дипломатик корпус вакиллари, Корея Республикасидан ташриф бурурган кўплаб меҳмонлар, хорижий ва республикамиз матбуоти вакиллари иштирок этди.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АСАКАДАГИ «ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ РАСМИЙ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Маросимни Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидов очди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов маросимда нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари завод бунёдкорларини, инженер ва мутахассисларини, курилишга бош-қош бўлган «ДЭУ» корпорацияси мутасаддиларини, Кореядан келган меҳмонларни — барча маросим қатнашчиларини улкан муваффақият билан кутлаб, жумладан, шундай деди: — Биз иқтисодиётимизни ислох қилишни, унда таркибий ўзгаришларни амалда оширишни режалаштирар эканмиз, энгил йўлни қидирмадик. Ўтиш даврининг мураккабликлари қарамасдан улкан-улкан иншоотлар бунёд этишга киришдик. Ана шу қурилишлардан бири бугун тантанали равишда ишга туширилаётган «ЎЗДЭУАВТО» қўшма корхонасидир. Мана шу заводнинг ўзбек ва оғир йилларнинг катта синовидан нечоғлик муваффақият билан ўтганини кўрсатиб турибди. Мазкур корхона ўзбек ва корей халқлари дўстлиги,

амалий ҳамкорлиги рамзидир. Қолаверса, яқин ва тоғув бўлган халқ нималарга қодирлиги ҳам мана шу автомобиль заводи мисолида яққол намоён бўлди. Қуни кеча мамлакатимиз Президентининг Фармонида биноан «ЎЗДЭУАВТО» қўшма корхонасини бунёд этишда фаол иштирок этган, Ўзбекистон—Жанубий Корея иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга, ўзбек—корей халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ Ўзбекистон ва Жанубий Корея фуқаролари ватанимизнинг юксак орден ва медаллари, фахрий ёрликлари билан тақдирланган эди. Ислам Каримов йиғилганларнинг қизгин оқшчилари остида «ДЭУ» гуруҳи раиси Ким У Жунга «Дўстлик» орденини, «ДЭУ» президенти ва «ЎЗДЭУАВТО» компанияси раиси Ли Кван Кига «Шухрат» медалини ва корейча бошқа мукофотланганларга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий

ёрликларини топширди. Маросимда Корея Республикаси Президентининг махсус вакили, Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленг сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди: Сизларни «ЎЗДЭУАВТО» автомобиль заводининг ишга туширилиши муносабати билан самимий табриклайман. Йилга 200 мингта автомашина ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу улкан заводнинг қурилиши 1992 йилда мамлакатларимиз ўртасида ўрнатилган дипломатик муносабатлар ҳамда мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ҳамкорлик алоқалари самарасидир. Мен бу воқеани икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада юксалтиришга қўшилган муносабат ҳисса деб баҳолайман. Уни барпо этишда қўшимча 11 та фирма жалб этилгани Корея фирмаларини бу ишда яна ҳам кўпроқ қатнашишга ундайди. Марказий Осиёда биринчи автомобиль заводини барпо этишда қатнашган барча кишиларни ана бир

бор қизгин табриклайман. Маросим сўнггида йиғилганларни тарихий воқеа билан яна бир бор кутлаган Президент Ислам Каримов бу ишда бизга елкадош бўлган корейс биродарларимизга, бутун корейс халқига чин қалбдан миннатдорлик билдирсак арзийди, деди. — Халқимиз дилида бўлган ана шу самимий туйғуларни жаноб Ким Ток Ленг Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам жанобларига, барча ватандошларига етказди деб ишонаман! Ислам Каримов, Ким Ток Ленг ва Ким У Жун рамзий лентани қирқадилар. Завод расман очиб деб эълон қилинди. «ЎЗДЭУАВТО» қарийб 150 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Тақдимот маросими қатнашчилари замонавий корхонанинг фаолияти билан танишдилар. Махубатли қолплар, пайвандаш, йиғув цехлари бўлиб, «ақли» машиналарнинг иш жараёнини

(Давоми 2-бетда)

Муҳтарам Ким Ток Ленг жаноблари! Муҳтарам Ким У Жун жаноблари! Жаноблар ва хонимлар! Азиз курувчилар, муҳандислар, мутахассислар, янги «ЎЗДЭУАВТО» қўшма корхонасининг жамоаси! Ватандошларим, дўстларим! Бугун биз ҳаммамиз катта тарихий воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун Ўзбекистон халқи интизор бўлиб кутган муқаддас кун — мамлакатимиздаги ilk автомобиль заводининг очилиши — тантана кунлари етиб келди. Фарғона vodiysi — Оллои тоалонинг назари тушган гўзал бир маскандир. Андижон вилояти эса бу гўзал vodiyнинг юрагида жойлашган. Бу муқаддас юрда буюк теурий бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд топан, бошқа не-не алдомалар, шоирлар ва метморлар етишиб чиққан ва қадимий Туркистон — бугунги Ўзбекистон шухратини эрут оламга ёйган. Бу ерда мард ва тантани, кўнгли кенг, иймони бақувват, инсофли ва диёнатли аjoyиб инсонлар яшайди. Ана шундай инсонлар билан

дан бугунги кутлуг кунда юз кўришиб турганимдан гоё бахтиёр эканимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар. Азиз дўстлар! Хар қайси давлат, жамият ўз келажagini кураётганда, ўз олдига қўйган юксак марраларга кўтарилишга ҳал қилувчи, муҳим босқичлардан, иқтисодиётида туб бурилиш ясайдиган поғоналардан ўтиши табиийдир. Беш йил олдин озоод ва обод ватан, демократик давлат, янги жамият, эркин иқтисод қуриш йўлини танлаб олдик. Жаҳон илғор тажрибасига ва миллий анъаналаримизга, меҳнатсевар халқимизнинг кучига суяниб-таъйиб фаровон ҳаётга эришиш учун авваламбор иқтисодиётимизни эски, бир ёқлама, қотиб қолган ҳолатдан янги босқичга кўтариш мақсадини олдимизга қўйдик. Бошқаларга ўхшаб энгил йўлни қидирмадик. Қандай оғир бўлмасин, узокни қўлаб, келажаги буюк давлатимизнинг пойдеворини яратиш учун тараққий топан, обрули мамлакат, жаҳонда машҳур фирма, компаниялар ва ишбилармонлар билан мустаҳкам, манфаатли алоқа

боғладик, замонавий, ўзгалар ҳавас қиладиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этишга киришдик. Мана энди, бир вақт халқимизнинг бошланган сай-ҳаракатлари ўз ҳосилини бера бошлади. Бугун нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасида, балки собиқ Иттифоқ микёсида ҳам бутунлай янги завод — қўшма корхона ишга тушиши, тарихимизда ilk бор замонавий, жаҳон андазалари талабларига жавоб берадиган энгил машиналар — автомобиллар ишлаб чиқарилиши — бунинг ўзи биз танлаган сиёсатнинг тамал тоши, десак ҳеч қандай муболага бўлмайдди. Мисли кўрилмаган қисқа муддатларда шундай ҳашаматли биноларни қуриш, бутун дунёга машҳур давлатлар, компаниялар ва фирмалардан замонавий ускуналарни, автоматларни олиб келиб, илғор стандартларга жавоб берадиган технологияларни ўрнатиш, ўзимизнинг фарзандларимизни Жанубий Корея давлатида янги касбларга ўргатиш, шундай мураккаб технологияларни ўзлаштириш чиндан ҳам, хар кимнинг қўлидан келмай-

диган катта шарафли синов, десак ҳеч қандай хато бўлмайди. Бундай улкан масалаларни ечиш, бугунги барчамиз иштирок қилаётган марраларга етиб келиш учун — албатта нафақат бу қурилишнинг бошида турган лойиҳачилар, иқтисодчилар, қурувчилар, монтажчилар — ишнинг негизини билган мутахассислар, муҳандислар, мана шу муҳимнинг барпо этган ишчиларимиз, раҳбарларимиз, нафақат Андижон, Асака мўтабар заминда яшайётган ўғлонлар, балким бутун Ўзбекистон иқтисоди ва унинг имкониятлари катта-катта синовлардан муносиб ўтди, десак айни ҳақиқатни тапирган бўлардик. Мен катта мамнуният билан ана бир бор мана шу муҳимнинг ташкил қилган инсонларимизни — замондошларимизни, мардонвор хизмат қилган ишчи ва меҳнатчиларни чин қалбимдан табриклаб, тасаннолар айтмоқчиман! Ҳаммангизни бағримга маҳкам босиб, хурсандлигимни билдирмоқчиман!

(Давоми 2-бетда)

## ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

**Асакада бошланган тантаналар кунининг иккинчи ярида ватанимиз пойтахтида давом этди. Тошкентнинг Халқлар дўстлиги саройида ана шу муҳим воқеа муносабати билан юртимизга келган корейлик меҳмонлар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари, дипломатия корпуси ва зиёлилар жам бўлдилар.**

Кулларида Ўзбекистон ва Корея Республикаси байроқларини тутган томошабинлар қарсақлари остида мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов, Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленг ва бошқа расмий кишилар задалан жой оладилар. Халқлар дўстлиги, ҳамкорлиги бетақор мўъжизалар яра-

тишга қодир. Асакада Ўзбекистон ва корейлик шериклар ҳамкорлигида қисқа муддатда ишга тушган завод бунинг эркин далили бўлди. Ана шу боис 19 июль Ўзбекистон — Корея дўстлиги кунига айланиб кетди. Саҳна четида ўрнатилган улкан экранда Корея Республикаси Президентининг ватанимизга, Ўзбекистон Президенти

нинг «Субҳидам бокиралити улкан»га ташрифлари чоғида суратга олинган видеолар намоён ш этилди. Сўнгра йиғилганлар Корея Республикаси Президентини Ким Ен Самнинг, Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг видеотабрикларини кўрдилар. Президентлар ўз табрикларидики мамлакат ҳамкорлиги катта самаралар бераётганини,

«ЎЗДЭУАВТО» заводи ана шу самаралардан бири эканини таъкидладилар. Икки мамлакат халқларини, жумладан, тантанали иштирокчиларини муҳим воқеа билан табрик этидилар. Шундан сўнг Ўзбекистон ва Корея Республикаси санъаткорлари иштирокида катта концерт дастури намоён ш этилди.

(ЎзА).

## МОЗАНДАРОН САВДО-САНОАТ КЎРГАЗМАСИ

**19 июль кунини Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да Эрон Ислам Республикаси Мозандарон вилоятининг савдо-саноат кўرғазмаси тақдимоти бўлиб ўтди.**

— Марказимизда ташкил этилаётган хорижий мамлакатлар савдо кўрғазмалари Ўзбекистон билан хорижий давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга, — деди «Ўзэкспомарказ» бош директори Бахтиёр Ирматов. — Эрон Ислам Республикаси Мозандарон


вилояти савдо-саноат кўрғазмаси ҳам ана шулар жумласидандир. Уйлайманки, мазкур кўрғазма мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва савдо муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Эрон Ислам Республикасининг Ўзбекистонига

Фанқуллода ва Мухтор элчиси Мухсин Покойин бўлиб деди: — Эрон ишбилармонларининг ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилишга иштиёқи баланд. Мазкур кўрғазма шу йўлдаги самарали қадамлардан булади, деб уйлайман.

(ЎзА).



# АЖОЙИБ ОЛАМ SAMSUNG



## SAMSUNG

### Фирма дўконлари:

Кало Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, "Бешёғоч" бозори, 2-дўкон	7(3712) 45-52-69
Кало Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, "Олой" бозори	7(3712) 45-80-41
Кало Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, "Чорсу" савдо маркази	7(3712) 45-52-69
Кало Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, Хўжаев кўчаси	7(3712) 45-52-69
Кафолат-Файз	Тошкент, "Чорсу" бозори, Эскижўва кўч.	7(3712) 42-29-89
TOY Co., ЛТД	Тошкент, Амир Темура кўчаси, 110	7(3712) 34-02-58
TOY Co., ЛТД	Тошкент, "Чилонзор" савдо маркази	7(3712) 35-09-86
СТАЛИК	Фарғона, Аль-Фарғона кўч., 20	7(3712) 24-49-18

### БУНИ ФАҚАТ ОРЗУ ҚИЛИШ МУМКИН!

"Самсунг-Электроникс" уч йиллик тадқиқотлардан сўнг жаҳонда энг ясси экранли 29-дюймли биотелевизор яратди. У ўта тиниқ тасвирга, овозга ва замонавий кўринишга эга. Ажойиб тасвир - Сиз бир пайтнинг ўзидики сюжетни томоша қилаверасиз. Тиниқ овоз - товушнинг сифати компакт-диска даражасида, овозни истаган сюжетга мослайверасиз: "Концерт", "Стадион", "Моно". Замонавий, хушбичим, бошқа "SAMSUNG" телевизорларига нисбатан 30 фоиз ихчам.

SAMSUNG Electronics компанияси Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўйича дилерларни тақлиф этади. Алматыдаги омбордан бевосита etkazиб берилди. Самсунг Электроникс Ко. Алматы офиси, Алматы, Аблайхон, 81.



**Қиска муддатли давлат облигацияларининг 21005UMFS чиқарилишини жойлаштириш тўғрисида ЭЪЛОН**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки уртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 1996 йил 24 июлда қиска муддатли давлат облигацияларининг бешинчи чиқарилишини сотиш бўйича қимомши савдоси ўтказилишини эълон қилади.

а) Чиқарилиш рақами: 21005UMFS;  
 б) Чиқарилиш ҳажми: 1350000000 (бир миллиард уч юз эллик миллион) сўм;  
 в) Облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўми ташкил этади;  
 г) Облигациянинг қоплашиш муддати: 1996 йил 23 октябрга;  
 д) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари - ҳуқуқий шахслар облигацияларни сотиб олиши мумкин.  
 е) Рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг максимал миқдори ҳар бир дилер рақобатдош талабномаси ҳажмининг 20 фоизидан ортиқ бўлмалиги лозим.  
 Қимомши савдоси 1996 йил 24 июль соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 6-уйда ўтказилади.  
 Қимомши савдоси ўтказилиши муносабати билан қиска муддатли давлат облигацияларининг иккиламчи савдолари вақти ҳам ўзгаради. Савдолар 21003UMFS рақамли учинчи чиқарилиш бўйича 23 июль сешанба кунини, 21004UMFS рақамли тўртинчи чиқарилиш бўйича 25 июль пайшанба кунини ўтказилади. Савдолар соат 10.30 да бошланади. Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 6-уй, Республика валюта биржаси.  
 Облигацияларни сотиш ёки харид қилишни хоҳлаган ва облигацияларнинг чиқарилиш шартларига мувофиқ иш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва ташкилотлар кўйида рўйхати берилган дилер-банкларнинг исталганига мурожаат қилишлари мумкин.

Дилер	Манзил, телефон
1 Ҳисоботқурилиш банки	Тошкент ш., А.Тўхай кўч., 3. Тел.: 33-24-86, 36-14-77.
2 Миллий банк	Тошкент ш., Охунбоев кўч., 23. Тел.: 33-17-12.
3 Ҳисоботқурилиш банки	Тошкент ш., Муқимий кўч., 43. Тел.: 78-10-94, 77-91-66.
4 Халқ банки	Тошкент ш., Қатортол кўч., 46. Тел.: 78-29-45, 78-29-81, 78-82-14.
5 Ҳисоботқурилиш банки	Тошкент ш., Лоҳутий кўч., 36. Тел.: 36-16-17.
6 "Турон" АТББ	Тошкент ш., Навоий кўч., 44. Тел.: 42-23-85.
7 Ҳисоботқурилиш банки	Тошкент ш., Амир Темура кўч., 24. Тел.: 34-64-88.
8 "Ипак йўли" АИТБ	Тошкент ш., Фарход кўч., 12а. Тел.: 76-89-73.
9 Тошуйжойжамғармабанк	Тошкент ш., Ўзбекистон шох кўч., 16а. Тел.: 45-62-39, 45-54-45.
10 Алоқабанк	Тошкент ш., Толстой кўч., 1. Тел.: 36-10-21.
11 Трастбанк	Тошкент ш., Навоий кўч., 7. Тел.: 41-01-10.
12 Ҳисоботқурилиш банки	Тошкент ш., Т.Шевченко кўч., 11. Тел.: 56-19-20.
13 Тошкент агроқурилиш банки	Тошкент ш., Халқлар дўстлиги кўч., 11а. Тел.: 77-27-55.
14 Андижонбанк	Андижон ш., Бобур шох кўч., 85. Тел.: 45-33-69 (Тошкент), 4-36-88 (Андижон).

**21002UMFS-чиқарилишдаги қиска муддатли давлат облигацияларини қоплаш тўғрисидаги ЭЪЛОН**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки уртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 1996 йил 24 июлда иккинчи чиқарилишдаги қиска муддатли давлат облигацияларининг қоплашишини маълум қилади.

а) Чиқарилиш рақами: 21002UMFS;  
 б) Чиқарилиш ҳажми: 750000000 (етти юз эллик миллион) сўм;  
 в) Облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм.  
 Облигациялар тулови 1996 йил 24 июль кунини соат 9.00 да қуйидаги манзилда амалга оширилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 6-уй.  
 21002UMFS чиқарилишдаги облигацияларни қоплашдан олдинта маблағлардан 21005UMFS чиқарилишдаги облигацияларни харид қилишда фойдаланиш мумкин.  
 Қоплаш билан боғлиқ масалалар бўйича облигация эгалари билан шартнома тузган дилерларга мурожаат қилиш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилоят очик турдаги хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳиссадорлик жамияти (Бизнес фонд)га тегишли қуйидаги оддий векселлар:**

- серия ПБ-001 номер-0001689 қиймати - 25000 сўм;
- серия ПБ-001 номер-0001690 қиймати - 25000 сўм;
- серия ПБ-001 номер-0001691 қиймати - 25000 сўм;
- серия ПБ-001 номер-0001692 қиймати - 25000 сўм;
- серия ПБ-001 номер-0018686 қиймати - 100000 сўм.

Жами 5 (беш) дона умумий сумма қиймати 200000 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Очик турдаги хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди ҳиссадорлик жамияти (Бизнес фонд)га тегишли номинал қиймати 100 (юз) сўмдан бўлган жами 695 дона 69500 сўмлик қуйидаги имтиёзли акциялар:

- серия 001 номерлари 0004501 дан 0005000 гача бўлган 500 дона ҳар бири 100 сўмдан бўлиб, жами 50000 сўм;
- серия 001 номерлари 0006001 дан 0006015 гача бўлган 15 дона ҳар бири 100 сўмдан бўлиб, жами 1500 сўм;
- серия 001 номерлари 0006041 дан 0006220 гача бўлган 180 дона ҳар бири 100 сўмдан бўлиб, жами 18000 сўм.

Иўқолганлиги муносабати билан бекор қилиниши тўғрисида эълон беришингизни илтимос қилади.

## Ўзбектелеком

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ АБОНЕНТЛАРИ, КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСА, ЖАМОА, ДАВЛАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Шаҳар ва қишлоқ телефон тармоқларининг айрим абонентлари абонентлик тўловлари ҳамда шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун кўрсатилган хизмат ҳақларини тўлашдан бош тортаётганлиги муносабати билан "Ўзбектелеком" концерни бундай абонентларни агар 25 июлгача қарзларини тўламасалар ўша санадан бошлаб уларга телефон хизмати кўрсатилмаслиги, узиб ёки олиб қўйилиши, қарзлари эса судлов йўли билан ундириб олиниши ҳақида огоҳлантиришга мажбурдир.

Бунда "Ўзбектелеком" концерни ва электр алоқалари корхонаси Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган фуқаролик ва жиноятчиликка оид қонунларга, телефон алоқаларидан фойдаланиш қоидаларига таянади.

Бизни бундай қатъий чора кўришга мажбур этмай, абонентлик тўловларини, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар ҳақини ўз вақтида тўлаб боринг!

## Ўзбектелеком

**ТАШКИЛОТ СОТАДИ:**

ОХП-10 ўтқурчиқлар - 1190 сўм; ўлчами 100x8,90x7 3-пўлат утолук - 29.800 сўм; ўлчами 50x5,63x6 5 СП ва 3 СП-пўлат утолук - 21.800 сўм; Ø12,16,28 5 СП-пўлат халқа - 21.500 сўм; Ø140 20-пўлат халқа - 26.800 сўм; Ø 12,16,18,25, 32, 35 ГС, 5 СП арматура - 21.000 сўм; балка I 20, 35, 3 СП пўлат тўсин - 29.800 сўм; 5,6,5 швеллер, 5 СП - пўлат - 23900 сўм; 20 3 СП - пўлат тўртбурчак (квадрат) - 25000 сўм; қопли кир ювиш порошоги - килоси 34 сўм; 33 кв.метрли рубероид; ЛОН 25, 60, 100, 150, 200, 300, 500, 750 лампалар; ДРЛ 400, ЛБ-36, 40, 80 лампалари; ККП-1 кабель аравачалари; Ø 299 қувурлар.

**Ташкилот сотиб олади:**

Электр двигателлари: 18,5 кВт 3000 ай/дақ - 10 дона; 200 кВт 3000 ай/дақ - 10 дона; 250 кВт 3000 ай/дақ - 5 дона; 55 кВт 3000 ай/дақ - 5 дона; ВАО 160 кВт 3000 ай/дақ - 1 дона; ВАО 160 кВт 1500 ай/дақ - 2 дона; ВАО 55 кВт 1500 ай/дақ - 2 дона; АО 100 кВт 3000 ай/дақ - 3 дона; 22 кВт 1500 ай/дақ - 4 дона; НЖ, УОНИ электродлари; зангламайдиған туноқа ва қувурлар.

**Ҳақ тўлаш усули - ихтиёрӣ.**

Телефонлар: (37171) 5-33-37, 5-36-84, 4-26-36.  
 Факс: (37171) 5-36-84.

**"Тошшаҳарулғуржибиржасавдо" А.Ж. қуйидаги эркин савдога қўяди:**

- 1\* профининг периоди 18, 25 ст. 35 ГС 20 тонна;**  
 \* профининг периоди 12 ст. 35 ГС 60 тонна;  
 \* 50x50x5 узоқлогли ст. 3 сп, 5 сп, 6 сп;  
 \* чўян қувурлар 65 3 метрли, донаси 1990 сўм;  
 \* автокамера 165x13 (мотодор) 358 сўмдан.
- 2 Ёғоч-қорғоз маҳсулотлари бўлими қолдиқлари:**  
 \* ўров ва хужжат учун қорғозлар;  
 \* қайин паркетни;  
 \* тахта-ёғоч.
- 3 Шунингдек, қуйидаги тақлиф этамиз:**  
 \* автоэмаллар, антифриз;  
 \* газ горелкалари, АПОК;  
 \* кулф-майда-чўйда металл буюмлар;  
 \* машинасозликка оид асбоблар ва эҳтиёт қисмлар;  
 \* пахта илли изоленталар ва бошқалар.

**Ҳақ тўлаш: пул ўтказиш ёки вексель билан.**

Манзил: Тошкент ш., Лоҳутий кўчаси, 16. "Ўзағроострой" биноси, 7-қават.

Тел: (3712) 56-40-76, 56-06-81, 56-48-88. Факс: 56-47-22.

### "АВТОРАДИАТОР"

Ўзбекистондаги расмий вакили "ХУМО" ФИРМАСИ

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ Тошкентда жойлашган омборхонасидан "МАЗ", "КрАЗ", "ЛАЗ", "КАЗ" автомобиллари учун

### РАДИАТОРЛАРНИ

пул ўтказиш йўли билан СОТАДИ.

Мурожаат учун телефонлар: (3712) 35-18-63, 35-71-12. Факс: 34-19-83.

98 фоизли донатор қауетик

## СОЛНИ

пул ўтказиш йўли билан сотилив.

ТЕЛ.: 933555, 933434, 553410.

22 ИЮЛДА

### YAMANA-ASIA

музыкали саломи очилади

YAMANA-CORG синтезатор ва оркестраторларнинг энг янги моделлари. Роял ва фортепианолар, духовой ва торли асбоблар, акустик ва электр гитаралар, товушни мослаш ва вази компьютерлари, студия профессионал ускуналари, овозни кучайтирувчи аппаратлар, рақамли пулт-автоматлар, музика аксессуарлари ва буюмлари, торлар ва микрофонлар ва бошқалар.

Манзилимиз: мейстрининг Ҳамид Олимжон бекати, Ҳамид Олимжон майдони, Пойтахт бизнес-маркази. Мўлжал: Давлат консерваторияси.

### Тошкент Давлат Иқтисодий Университети қошидаги республика иқтисодий лицейи 1996-97 ўқув йили учун ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лицей иқтисодий йўналишдаги махсус умумтаълим маскани бўлиб, таълим мактабини аъло баҳолар билан тугатган, иқтисодий фаолиятга ва иқтисодий тадқиқотларга мойиллик билдирган иқтидорли ўқувчи-ёшларни танлов асосида қабул қилади.

Лицей синфларида умумтаълим фанларидан чет тили, математика ва информатикадан чуқур билим бериш билан бир қаторда «Бозор иқтисодиёти асослари», «Менежмент», «Маркетинг» ва «Бухгалтерия ҳисоби» каби иқтисодий фанлар ҳам ўқитилиб, иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юр-тларига кириш учун мақсадли тайёрлов амалга оширилади.

Ўқув машғулотларини иқтисодий университет ва бошқа олий ўқув юр-тларининг етакчи профессор-ўқитувчилари ва лицейнинг малакали педагогари олиб боради.

Лицейга кирувчилар умумий савия ва дунёқарашни аниқловчи дастлабки суҳбат, ҳамда математика ва чет тили бўйича тест-синавлардан ўтадилар.

Ўқишга кирувчиларнинг аризалари қуйидаги ҳуж-жатлар билан бирга 1996 йилнинг 20 июлидан 5 августгача қабул қилинади:

1. Лицей директори номига ариза.
2. Таълим мактабини тугатганлиги ҳақида гувоҳнома.
3. Туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ва нусخаси.
4. 3x4 ўлчами 6 дона фотосурат.
5. Ота-онасининг иш жойидан маълумотнома.
6. 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома.

Манзилгоҳимиз: 700063, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183-уй. Телефон — 45-33-51.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайъат аъзолари ва жамоаси — собиқ молия вазирлиги

**Вали Муродови МУРОДУЖАЕВНИНГ**  
 вафот этганини муносабати билан, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таяниш изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги раҳбарияти ва коллективи «Ўзнергомажмуа» директори муовини А. М. Нодировга отаси

**Мустафо НОДИРОВНИНГ**  
 вафоти муносабати билан чуқур таяниш изҳор этади.

Ўзбекистон қимматли саноати тармоқлари ҳудудлари қасби уюшмасининг марказий қўмитаси «Лола» атир-ўпа фирмасининг директори Х. В. Муроджўмага падари бурдуворини

**ВАЛИХОН ОТАНИНГ**  
 вафоти муносабати билан чуқур таяниш изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Давлат аттестацияси, аккредитацияси ва назорати бош бошқармасининг бош инспектори Х. Камоловга онаси

**Махлиб ва ПУЛАТЖУА ҚИЗНИНГ**  
 вафоти муносабати билан чуқур ҳамдодлик изҳор этади.

«Соғом авлод учун» журнали изҳорий жамоаси таъдир хайрати аъзоси Мамлукатон Содиқовга турмуш ўртоғи

**Авазхон СОДИҚОВНИНГ**  
 вафот этгани муносабати билан чуқур таяниш изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Давлат аттестацияси, аккредитацияси ва назорати бош бошқармасининг бош инспектори Х. Камоловга онаси

**Махлиб ва ПУЛАТЖУА ҚИЗНИНГ**  
 вафоти муносабати билан чуқур ҳамдодлик изҳор қилади.

Республика Давлат мулк қўмитаси раҳбарияти ва жамоаси Инновация ва менежмент маркази директори Илхом Каримовга отаси

**Рустам КАРИМОВНИНГ**  
 вафоти муносабати билан чуқур таяниш изҳор қилади.

«Мулдор» газетаси жамоаси Республика Инновация ва менежмент маркази директори Илхом Каримовга отаси

**Рустам КАРИМОВНИНГ**  
 вафоти муносабати билан чуқур таяниш изҳор қилади.

Тошкент молия институти жамоаси «Статистика» кафедрасининг доценти Ҳитмурод Хўжақуловга отаси

**Жавли ХЎЖАҚУЛОВНИНГ**  
 вафот этганини муносабати билан чуқур таяниш изҳор этади.

